

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОИ ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУЗМАТОВА ДИЛНОЗА РАМАТЖАНОВНА**

**ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ АСАРЛАРИНИНГ БАДИИЙ**  
**ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия**  
**халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

<b>Рузматова Дилноза Раматжановна</b> Холид Хусайний асарларининг бадийий Ўзига хослиги.....	3
<b>Рузматова Дилноза Раматжановна</b> Художественное своеобразие произведений Халеда Хоссейни.....	23
<b>Dilnoza Ramatjanovna Ruzmatova</b> Artistic Originality of Khaled Hosseini's Works.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУЗМАТОВА ДИЛНОЗА РАМАТЖАНОВНА**

**ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ АСАРЛАРИНИНГ БАДИИЙ**  
**ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия**  
**халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil730 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муратова Эльмира Денисовна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Эрматов Баходир Содикович**  
филология фанлари доктори (DSc)

**Бақоева Муҳаббат Қайумовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «2» декабр соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91; email:uzswlu\_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «20» ноябр куни тарқатилди.

(2020 йил «20» ноябр да 15 рақамли реестр баённомаси).



**Г.Х. Бокиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д., доцент

**Ж.А. Якубов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX-XXI аср жаҳон адабиётшунослигида диаспора назарияси, яъни бошқа мамлакат адабий муҳити вакили сифатида ижод этган ёзувчиларнинг бадиий оламини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, миллатлар урф-одатларидаги муштараклик ва ўзига хосликни уларнинг асарлари мисолида ўрганиш муҳим аҳамият касб этмокда. Афғон-америка диаспора адабиёти намояндалари романларида акс эттирилган тарихий илдизлари турлича бўлган икки миллат, яъни афғон миллатининг Америкадаги турмуш тарзи, паштун ва хазораларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнини диаспора асосида ўрганиш замонавий адабиётшунослик олдидаги долзарб вазифалар сирасига киради. Икки халқ адабий-маданий муҳити ҳақидаги илмий-назарий қарашлар, уларга муносабат, тарихий-адабий жараённинг тараққиёт қонуниятлари ва ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги масалаларини яхлит илмий-назарий тадқиқ этиш ўзига хос ёндашувни тақозо этади.

Дунё адабиётшунослигида тиллар ва маданиятлараро тўқнашув, турли макон ва замон мутаносиблиги асосида шаклланаётган афғон-америка диаспора адабиётининг бадиий тафаккур тадрижий босқичларини вужудга келтирган ижтимоий-психологик омилларни тарихий-маданий, тарихий-киёсий, киёсий-типологик методлар ҳамда биографик метод тамойиллари асосида таҳлил қилиш замонавий адабиётшуносликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Романий тафаккур ва услубий ўзига хослик, турфа макон ва замонда содир бўлган воқеалар ифодаси, сюжет ва композицион яхлитлик, ёзувчининг инсон, жамият ва борлиқ билан диалогик муносабатга киришуви сингари муаммоларни чуқур тадқиқ этиб, илмий баҳосини бериш, хулосалар чиқариш, ўз навбатида, диаспора адабиёти вакиллари, жумладан, Холид Ҳусайний ижоди ҳақида бутун дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Республикамизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви натижасида сўнги йилларда илмий-адабий тафаккур янгиланмокда. Хусусан, Ғарбда тараққий топган тамойиллар шарқона адабий анъаналар билан муштараклиги кузатилмокда. Зеро, «Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини хар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак... буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос хамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим»<sup>1</sup>. Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг бадиий синтези масаласи,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv> [мурожаат санаси: 30.09.2020].

диаспора адабиётига мансублик каби адабий-эстетик ходисаларни Холид Хусайний ижоди мисолида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида бадиийлик мезон ва маромлари, поэтиканинг муайян давр ижодкорлари ёки алоҳида ёзувчи ижоди мисолида индивидуаллик ва қиёсий-типологик умумлашма таҳлили каби илмий-назарий муаммолар ғарб адабиётшунос олимлари: Р. Барт, Т. Иглтон, Дж. Каллер, О. Шпенглер<sup>2</sup>; рус адабиётшунослари: М.М. Бахтин, В.М. Жирмунский, А. Зись<sup>3</sup> ва ўзбек адабиётшунослари: И. Султон, Х. Умутов, Д. Қуроновлар<sup>4</sup> томонидан тадқиқ қилинган.

Америка ва бошқа халқлар маданиятидаги муштараклик, турли миллат урф-одатларидаги уйғунлик асосида юзага келган диаспора адабиёти ғарб адабиётшунослари М. Ilyas, D. Helly, M.M. Raihanah, R. Blumental<sup>5</sup> томонидан илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Африка, Хитой, Корея,

---

<sup>2</sup> Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. – М.: Прогресс, 1989. – 616с.; Иглтон Т. Теория литературы: Введение/ Пер.Е.Бучкиной. – М.: Издательский дом «Территория будущего», 2010. – 216 с.; Шпенглер О. Закат Европы. – М.: Мысль, 1993. – 606 с.

<sup>3</sup>Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. –М.: Наука, 1973. – С. 207; его же: Эстетика словесного творчества. – М.: Наука, 1979. – С. 422; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – С. 404; Зись А. Искусство и эстетика. – М.: Наука, 1967. – С. 214.

<sup>4</sup>Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 408. Умутов Х. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001; Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004 ва б.

<sup>5</sup> Ilyas M. Expatriate Experience and the Fictional World of Diaspora. *Journal of Social Studies Education Research*. 2018:9 (1); Helly D. Diaspora: History of an Idea, in *Muslim Diaspora: Gender, Culture, and Identity*, ed. Haideh Moghissi (New York: Routledge, 2006), XIV; Raihanah M.M. et al. Exploring representations of Self by Diasporic Muslim Writers // *Procedia. – Social and Behavioral Sciences* 118, 2014. – 365-370 pp. (); Blumental R. Looking for Home in the Islamic Diaspora of Ayaan Hirsi Ali, Azar Nafisi, and Khaled Hosseini.//*Arab Studies Quarterly* .Vol.34, No.4 (Fall 2012), etc.

Япония, Афғонистон ва Жанубий Осиё<sup>6</sup> ёзувчиларининг Америка адабиётидаги мақомини баҳолаш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижасида уларнинг асарларида европача фикрлаш ва америкача ҳаёт тарзи устунлик қилишини кузатиш мумкин. Адабиётшунос М. Иляс «диаспора» ва «экспатриант» тушунчаларини изохлаб, экспатриант адабиёт диаспора адабиётининг бир қисми сифатида Аффо-Америка адабиёти ҳамда этник адабиёт каби алоҳида фан соҳаси эмаслигига эътибор қаратади<sup>7</sup>. Д. Хелли диаспора терминини «*ватанидан йироқда яшовчи аҳоли*», дея таърифлаб, ўз юртидан Мосуво, худудий кўчишлардаги қийинчиликларни бошидан кечирган адибларни диаспора адабиётининг вакиллари сифатида эътироф этса, М.М. Раиҳанахнинг фикрича, мазкур иждоқорлар ўзи туғилиб ўсган макондан йироқда яшаса-да, доимо ўзлигини, ўз «мен»ини топишга интилишган, Р. Блументал эса ислом диаспораси адабиёти ёзувчилари – Аян Ҳирси Али, Азар Нафиси ва Холид Хусайний иждодида «идеал макон – Шарк ёки Ғарб»ми деган муаммони кўяди, асарларида миллий ва идеологик чегараларни инкор этган бу ёзувчилар ўзига хос адабий тендецияни шакллантирганлигини таъкидлайди<sup>8</sup>.

Шарқшунос олим А. Маннонов афғон (паштун) халқи оғзаки лирик шеърятининг ўзига хос тури – ландэй жанрида афғон аёли қисмати, ошиқ-маъшукларнинг изтиробу қувончлари, чуқур ижтимоий мазмундаги жанговарлик туйғулари, ватандан жудолик ҳасратлари, ватан мухаббати, ижтимоий тенгсизлик, фалсафий дидактика каби ғояларни; Р. Иномхўжаев эса афғон маърифатпарварлиги, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги умумий жиҳатлар, замонавий афғон ёзувчиси Спужмай Зарёб ҳикояларида афғон аёлининг руҳий оламини таҳлил этган<sup>9</sup>.

---

<sup>6</sup> Sadat M. "The Afghan Experience: An Exploratory Study of Societal Realities through the Lenses of Afghan Diasporic Literary Works". PhD diss. – Claremont Graduate University and San Diego State University, 2006. – 293 p.; Corallo R. The Journey to Becoming Cultural and Political Awakening to Nomadic Art in the Work of Afghan American Female Artists. – New York, 2017. – 191 p.; Niazi A. Intergenerational Trauma in Second Generation Afghan American males. – San Francisco, 2019. – 200 p.; Stamper C. Women Rewriting Scripts of War: Contemporary U. S. Novels, Memoir and Media from 1991-2013. – Arizona, 2015. – 178 p.; Solomon M. Afghan Muslim Male Interpreters and Translators: An Examination of Their Identity Changes and Lived Experiences During Pre - and Post-Immigration to the United States during the Afghanistan War (2003-2012). – Nova, 2015. – 346 p.; O'bryan C. Gender, Mobility and Self: Afghan Women in Vancouver British Columbia. – Oregon, 2014. – 326 p.; Buchenon D. Rotten Symbol Mongering: Scapegoating in post-9/11 American War Literature. – Denver, 2015. – 398 p.; Angemeer A. Reading the Other and Reading Ourselves: An Interpretative Study of amazon.com Reviews on Bestsellers about Muslims. – Pittsburgh, 2012. – 241 p.; Richards M. Literary Journeys to Ethical Understanding. – Calgary, 2010. – 155 p.; Malik M. Multicultural Ways of Knowing: Reading "The Kite Runner" in a Grade 11 class. – Ontario, 2010. – 204 p.; Yulianto W. Historicizing Muslim American Literature: Studies on Literature by African American Muslim Writers. – Arkansas, 2018. – 178 p.; Taliaferro C. Ninth Grade Students' Negotiation of Aesthetic Efferent? And Critical Stances in Response to a Novel Set in Afghanistan. – Texas, 2011. – 156 p.; Shah B. Orientalism, Occidentalism, and the Language of Conciliation: Political Discourses in the 9/11 Novel. – Pennsylvania, 2013. – 272 p.; Mader A. The Importance of Reading Said: Orientalism, Women, and Postcolonial Literature after 9/11. – Calgary, 2017. – 185 p.

<sup>7</sup> Ilyas M. Expatriate Experience and the Fictional World of Diaspora. Journal of Social Studies Education Research. 2018:9 (1). – P. 106-123.

<sup>8</sup> Blumental R. Looking for Home in the Islamic Diaspora of Ayaan Hirsi Ali, Azar Nafisi, and Khaled Hosseini. // Arab Studies Quarterly .Vol. 34, №4/2012. – P. 250-264.

<sup>9</sup> Маннонов А. Ландэйларда акс этган афғон аёли қисмати. // "Шарқ халқлари адабиётида гендер масалалари" мавзусидаги республика илмий анжуман материаллари. – Т., 2019. – Б. 5-12; Иномхўжаев Р. Спужмай Зарёб ҳикояларида афғон аёли тимсоли: Шарқ халқлари адабиётида гендер масалалари: мавзусидаги республика илмий анжуман материаллари. – Т., 2019. – Б. 25-29.

Афғон-америка диаспора адабиёти бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, афғон-америка диаспора адабиёти Холид Хусайний асарлари мисолида илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Англия ва Америка адабиёти тарихи ва долзарб масалалари, бадиий таҳлил усул ва тамойиллари устувор илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** афғон-америка диаспора адабиётининг хусусиятлари, бадиийлик мезонлари ва маромларини Холид Хусайний асарлари мисолида илмий-таҳлилий ва назарий умумлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Холид Хусайний асарларини бадиийлик мезонлари асосида таҳлилга тортиш; афғон-америка адабиёти намуналарининг адабий-эстетик мазмун-моҳиятини белгилаш;

бир макон ва бир замонда яшаб, инглиз тилида ижод қилган афғон диаспора ёзувчилари – Мир Тамим Ансарий, Фарука Гавҳарий, Марям Қудрат Асил бадииятидан Холид Хусайний ижодининг ўзига хос фарқли ва муштарак жиҳатларини назарий далиллаш;

диаспора адабиёти ва перспективанинг назарий тамойилларини умумлаштириш; романнинг жанрий қонуниятлари, мавзу кўлами ҳамда Ғарбда тараққий топган тамойилларни шарқона адабий анъаналар билан уйғунлаштиришда ёзувчининг бадиий изланишларини яхлит илмий-эстетик таҳлилга тортиш;

Афғонистон, болалик, аёллик ва оила перспективаларини роман сюжети меҳваридида тасвирлашда Холид Хусайний ижодий маҳорати ҳамда эстетик принципларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Холид Хусайнийнинг «Шамол ортидан югуриб», «Минг қуёш шуъласи» ва «Тоғлар ҳам садо беради» романлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Холид Хусайний асарларининг бадиий ўзига хослиги ҳамда афғон-америка диаспора адабиётининг назарий қонуниятлари тадқиқидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, биографик, психологик, структурал таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Афғон-америка адабиётидаги миллий ва умуминсоний ғояларнинг умумийлиги, интеграцияси, дифференциацияси ҳамда диаспора адабиёти қонуниятларига асосланган ҳолда қайси тилда ижод қилишига кўра форсий (форсий-паштун, форсий-дарий) ва инглиз тилида ижод қилувчи афғон-диаспора ёзувчилари категориялари таклиф қилинган;

Шарқ ва Ғарб анъаналари кесишуви, Ғарбда яратилган бадиий асарларда шарқона руҳ ва шарқона фалсафанинг инъикоси, ҳар икки мамлакат маданияти ҳамда кадриятларини инкор этмаган ҳолда диаспора адабиётининг уч муҳим хусусияти: тиллар ва маданиятлараро тўқнашув, биографик



тамоийиллар, замон ва макон мутаносиблиги бадиий-концептуал яхлитликда илмий-назарий жихатдан асосланган;

Холид Хусайний романларида абадий ва адабий мавзулар ифодаси, муаллиф биографияси, бадиий маҳорат ва ёзувчи услуби муаммолари бадиийлик мезонлари асосида такомиллаштирилган;

Афғонистон, болалик, аёллик ва оила перспективалари урушдан олдинги, уруш ва урушдан сўнгги даврлардаги афғон ижтимоий турмуш тарзи узвийлигида адабий-эстетик жихатдан ёритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диаспора адабиётининг муҳим хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий тушунчалар бериши, адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

афғон-америка диаспора адабиётида ёзувчининг ижодий-индивидуал услуби ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган;

тарихий перспективанинг: Афғонистон, болалик, аёллик ва оила перспективаларига таснифланиши, урушдан олдинги, уруш ва урушдан кейинги даврларда афғонлар ижтимоий турмуш тарзининг бадиий тасвири Холид Хусайний романларида тарих ҳақиқатига асосланган ҳолда бадиий тўқима билан уйғунлашуви каби адабий-эстетик категориялар илмий-назарий аспектда ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг фикрларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги; адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шуки, чиқарилган хулосалар жаҳон адабиётшунослигида долзарб бўлган диаспора адабиёти назарияси бўйича мавжуд маълумотларни кенгайтиради, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш амалиётида кенг фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти», «Қиёсий адабиётшунослик», «Адабиёт назарияси», «Адабий алоқалар», «Адабий-бадиий таҳлил методлари» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда, ўқув қўлланма, дарслик, мажмуа, луғатлар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Холид Хусайний асарларининг бадиий ўзига хослиги бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида:

Афғон-америка диаспора микрокомпаративистикаси, яъни бир илмий мактаб вакиллари ижодидаги ўзига хослик ва муштараклик, форсий (форсий-паштун, форсий-дарий) ва инглиз тилида ижод қилувчи афғон диаспора ёзувчилари таснифи, Шарқ ва Ғарб анъаналари кесишуви, ҳар икки мамлакат

маданияти ҳамда кадриятларини инкор этмаган ҳолда диаспора адабиётининг яратилиши ҳамда тиллар ва маданиятлараро узвийлик, биографик тамойиллар, макон ва замон мутаносиблиги бадиий концептуал яхлитликда илмий-назарий умумлашма хулосаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган ИТД-1, А-1-209 рақамли “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” номли амалий лойиҳа мавзуси доирасида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) учун “Theory of Intercultural Communication” ўқув қўлланмасининг “Cultural Specificity of Discourse Organization” деб номланган тўртинчи бобининг биринчи, учинчи ва тўртинчи фасллари ёзишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 20 августдаги 89-03-2894-сонли маълумотномаси). Натижада, Холид Хусайний асарлари инглиз тилида ёзилган бўлса ҳам, афғон, форс, араб ва туркий тиллардаги терминларни маҳорат билан қўллаши диаспора адабиётининг назарий тамойилларини белгилаши, тил ва маданиятнинг муштарақлиги афғонларга хос миллий колоритни шакллантириши, шарқ ижодкорларининг шеърӣ сатрлари ёзувчи романларида синкретизмни юзага келтириши билан боғлиқ илмий-назарий маълумотлар мукаммаллаштирилган;

тиллар ва маданиятлараро тўқнашув, биографик метод тамойиллари, замон ва макон мутаносиблиги ҳамда диаспора адабиёти борасида бадиий-концептуал яхлитликда чиқарилган илмий-назарий умумлашмалардан бадиий асар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 2020 йил 4 мартдаги 01-03-07/368-сонли маълумотномаси); афғон халқи оғзаки ижоди намуналарининг ёзувчи романларидаги ифодаси орқали аниқланган муаллиф шахсияти, бадиий маҳорат, ёзувчи услуби масалалари ва адиб асарларининг ўзига хос жанрий хусусиятларидан ЁА1-ОТ-1-11965-рақамли “Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш” мавзусидаги ёш олимларнинг амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 20 августдаги 89-03-2894-сонли маълумотномаси). Натижада, адиб асарларида шаклий ихчамлик, фалсафий мушоҳаданинг теранлиги, мантикий изчиллик каби назарий қонуниятларни аниқлашга хизмат қилган;

Холид Хусайний асарларида диаспора анъаналари асосида тарих ҳақиқатини бадиият ҳосиласига айлантириш, ёзувчининг образли тафаккури асосида Афғонистондаги ижтимоий ҳаёт тарзининг ҳаққоний ифодаси адабий-эстетик кашф этилишига доир илмий-назарий қарашлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий-маърифий муассасалар ва номоддий миллий меросни ривожлантириш шўъбаси томонидан ўзбек халқининг бой миллий тил анъаналари, номоддий маданий мероси, ижтимоий кадриятларимизнинг миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш борасида тузилган «Мамлакатимизда

миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштириш»га доир услубий кўрсатмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги 01-12-14-872-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали Афғон-Америка адабиётининг ўзбек адабиётшунослигида кенг камровли ўрганилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилишига эришилган;

Афғон-америка адабиётида ёзувчи романлари мавзуси юрт, болалик, аёллик ва оила перспективаларига ажратилиб, урушдан олдинги, уруш ва урушдан сўнгги даврларда халқнинг ижтимоий турмуш тарзи, оила-аёл-бола концептларининг адабий-эстетик, ижодий-эстетик тамойилларини очиб бериши ҳақидаги маълумотлардан “O’zbekiston tarixi” телеканали “Xayrli kun” кўрсатувининг “Жаҳон адабиётида дидактика” мавзусига бағишланган сонини тайёрлашда фойдаланилган (O’zbekiston Milliy Teleradiokompaniyasi 2020 йил 10 июлдаги 02-40-735-сонли маълумотномаси). Натижада, ўзбек адиблари ва афғон-америка ёзувчиси Холид Хусайний ижодидаги муштараклик ва ўзига хосликни қиёсий-типологик таҳлил этиш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Афғон-америка адабиёти: бадийлик, диаспора ва перспективанинг назарий-поэтик хусусиятлари**» номли биринчи бобида афғон-америка адабиётининг назарий тавсифи ва ушбу таъсиф бўйича манбалардаги тафовутлар таҳлил қилиниб, улар юзага келиш асосига кўра таснифланган.

Бадийлик – борликни акс эттиришнинг, инсоннинг оламга бўлган эстетик муносабатларини ифодалашнинг ўзига хос шакли. Бу усулда анланган воқеалик қайта ишланиб, санъат образларида акс эттирилади. Афғон-Америка диаспора адабиётининг том маънодаги асосчиси Холид Ҳусайний асарлари бадийликнинг *истеъдод, хосият, моҳият, анъана ва янгилик* ҳамда *таъсирдорлик* мезонлари ёрдамида таҳлил қилинганда, ёзувчи асарларининг бадий ўзига хослиги диаспора адабиёти хусусиятларини намоён этади.

Афғон-америка диаспора адабиёти ўзида Шарқ ва Ғарб анъаналарини жамлаб, Афғонистон, Америка маданияти ҳамда кадриятларининг диний ҳамда дунёвий ғояларини тараннум этади. Афғон тарихи ва маданияти бўйича Навал олий мактаби маърузачиси Мир Ҳекматуллоҳ Садат афғон диаспора ёзувчиларини уч категорияга ажратган: *Афғонистонда туғилиб, ўрта ёшларида юртини тарк этган; болалигиданоқ Афғонистондан кетган ва Афғонистондан бошқа юртда таваллуд топган муҳожир ёзувчилар*.<sup>10</sup>

Бадий асар тили бирламчи ходиса эканлигини назарда тутган ҳолда, афғон диаспора адабиёти ёзувчилари қуйидагича гуруҳланди:

1) *форсий* (форсий-паштун, форсий-дарий) тилида ижод қилувчи афғон диаспора ёзувчилари: Акром Осман, Раҳнавард Зарияб, Спозмаи Зарияб, Атиқ Раҳимий ва Асеф Султонзода;

2) *инглиз тилида ижод қилувчи афғон диаспора ёзувчилари*: Холид Ҳусайний, Мир Тамим Ансарий, *Фарука Гавҳарий (биринчи афғон-америка адабаси)*<sup>11</sup>, Саид Ҳайдар Акбар, Марям Қудрат Асил, Нилуфар Пазира, Масуда Султан.

Афғонистондаги нотинчлик сабаб ватанидан кетган ва Америкада яшаб ижод қилувчи афғон ёзувчилари учун *икки макон – Афғонистон ҳамда Америка, бир замон – толибонлар ва толибонлар ҳукуматидан сўнгги давр*, умумий мавзу эса 2001 йил 11 сентябрь террор ҳужуми натижасида Америкада содир этилган фожиалар эди. Демак, янада аниқ айтадиган бўлсак, инглиз тилида ижод қилувчи афғон ёзувчилари асарларида Афғонистон ва Америка маконида толибонлар даврида юз берган воқеалар, ижтимоий, сиёсий ва маиший ҳаёт акс эттирилди. Иккинчи туркумга мансуб инглиз тилида ижод қилувчи афғон диаспора ёзувчилари Мир Тамим Ансарий, Фарука Гавҳарий, Марям Қудрат Асил ва уларнинг ижодий фаолияти хусусида тўхталишдан мақсад Холид Ҳусайний ижодининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ёзувчи асарларидаги бадийлик мезонлари ва маромларини таҳлил қилиш ҳамда муаллиф услубидаги адабий техника қирраларини тадқиқ этишдан иборат.

Диаспора грекча сўз бўлиб, «тарқатиш», «қочиш», «ҳар томонга сочиш» маъноларини англатади. Диаспора адабиёти ўзи туғилиб, вояга етган юртидан бошқа давлатга кўчиб борган ва ўша ҳудудда ижод қилган муҳожир

---

<sup>10</sup> Sadat M. The Afghan Experience: An Exploratory Study of Societal Realities Through the Lenses of Afghan Diasporic Literary Works. // PhD diss. – Claremont Graduate University and San Diego State University, 2006. – P. 154.

<sup>11</sup> Huang G. The Greenwood Encyclopedia of Asian and American Literature. – London: Greenwood Press Westport, Connecticut, 2009. – P. 6.

ёзувчилар асарларини ўрганadi. Диаспора атамаси орқали, асосан, *уруш, босим, очлик, ночорлик* сабаб туғилиб ўсган юртини тарк этишга мажбур бўлган иммигрант, муҳожир, ишчилар, қочоқларнинг ўзга юртларда яшаши тушунилади. Айрим манбаларда бу йўналишда ижод қилувчилар экспатриант (*expatriate* – муҳожир, қочоқ) ёзувчилар деб келтирилади, аммо экспатриант ёзувчиларда туғилиб ўсган юртига нисбатан позитив муносабат кузатилмайди. Шу боис, диаспора тушунчаси экспатриантга нисбатан кенг камровли бўлиб, диаспора адабиётига мансуб асарларда ҳар иккала географик ҳудуд, яъни ёзувчи туғилган ва ижод қилаётган ўзга макон истикболи етакчи ўрин эгаллайди. Нафақат Америкадаги афғон диаспораси, балки барча ҳудудлардаги диаспора адабиётига мансуб асарлардаги умумий жиҳатларни назарда тутган ҳолда, диаспора адабиётининг уч муҳим хусусияти Холид Ҳусайний асарлари мисолида таҳлил қилинди:

1. *Тиллар ва маданиятлараро тўқнашув* диаспора адабиётининг асосий хусусияти саналади. Ёзувчи ҳар икки тил ва маданият унсурларини қўллаши натижасида «гибридлаш» жараёни юзага келади. Гарчи Холид Ҳусайний асарлари инглиз тилида ёзилган бўлса ҳам, афғон фарзанди сифатида: *Allah-u-akbar, naan, agha, saratan, zakat, hadj, namaz, qiyamat, chapandaz, mast, padar, bachem, zendagi migzara, Baba jan, sherjangi*<sup>12</sup> каби бир қатор сўзларни маҳорат билан қўллайдики, бу адабий техника асар таъсирчанлигини янада оширади. Айниқса, Фирдавсий «Шохнома»сидан келтирилган парчалар, Саъдий Шерозий, Соиб Табрзий сатрлари асарда шарқона услубнинг устуворлигини таъминлайди:

Чўлғонур ҳар томи беҳад моҳитоб анворида,  
Минг қуёшнинг шуъласи порлайди ҳар деворида!<sup>13</sup>  
(Соиб Табрзий)

2. *Биографик тамойиллар*. Ҳусайний ҳам ёзувчи, ҳам фарзанд сифатида ўз ватани ҳақида, афғонларнинг ҳам тинчлик истагини ўз асарлари ва интервьюларида бир неча бор таъкидлайди. «*Шамол ортидан югуриб*»да буни шундай эслатиб ўтади: «*Бизнинг шўрлик халқимиз, бечора Ватанимизнинг, унинг бошига тушган кулфатларни ҳам ёзгин, ўғлим!*»<sup>14</sup> Биографик тамойиллар нуқтаи назаридан ёзувчи, асосан, бадиий образларига ўз қарашларини, эстетик идеалларини сингдиради.

3. *Замон ва макон мутаносиблиги* диаспора адабиётининг яна бир асосий хусусиятидир. Афғонлар гарчи ватанда ё ватандан ташқарида бўлишмасин, уларни ватанпарварлик туйғуси бирлаштириб туради. Ҳусайний романларида бадиий макон – Афғонистон-Америка, бадиий замон эса Афғонистоннинг яқин ўтмиши ҳисобланади. Буни ёзувчининг ўзи қуйидагича эътироф этади: «*Мен мавзунини танламадим, тарихни танладим*»<sup>15</sup>.

<sup>12</sup> Hosseini Kh. *The Kite Runner*. – New York: Riverhead Books, 2003. – 371 p.

<sup>13</sup> Ҳусайний Х. Минг қуёш шуъласи: роман. /Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 110.

<sup>14</sup> Қўрсатилган асар. – Б. 350.

<sup>15</sup> Sadat M. *The Afghan Experience: An Exploratory Study of Societal Realities through the Lenses of Afghan Diasporic Literary Works*. // PhD diss. – Claremont Graduate University and San Diego State University, 2006. – P. 193.

«Шамол ортидан югуриб», «Минг қуёш шуъласи», «Тоғлар ҳам садо беради» романларида урушдан олдинги фаровон Афғонистоннинг уруш даври ва урушдан кейинги ракурсадаги тасвири орқали башариятнинг фожиавий сахнаси очиб берилган. Асарларда 1973-2001 йиллар оралиғидаги воқеалар бадиий тўқима асосида баён этилган. Ёзувчи асарларида Афғонистон, аёллик, оила ва болалик перспективалари етакчилик қилади. «Перспектива» (лот. *perspicere*) сўзи лотин тилидан француз тилига кириб келган бўлиб, «ич-ичидан кўрмоқ», «синчиклаб қарамоқ» деган маъноларни билдиради. Перспектива – *келажакдан кутилган ёки келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад, ният, режа* ва шунингдек, *кузатиш нуқтасидан узоқлик даражасига кўра ҳақиқатда қандай кўринса, шундай тасаввур берадиган тасвир*<sup>16</sup>. Адабиётшуносликда<sup>17</sup> адабий-бадиий перспективаларнинг прототип, формалист, психоаналитик, ижтимоий-синф, гендер ва тарихийлик турлари<sup>18</sup> мавжуд. Холид Хусайний асарларида тарихийлик перспективаси етакчилик қилади.

Диссертациянинг «**Холид Хусайний бадиий маҳорати ва мавзу кўлами**» номли иккинчи бобида ёзувчи асарлари тематикасида абадий мавзулар билан параллел равишда ҳаётий-тарихий мавзулар ҳам ўрин олганлиги, лекин барча романларининг умумий мавзуси Афғонистон сифатида талкин этилишида ёзувчи услубининг ўзига хослиги ёритилади.

Хусайний асарларида форс адабиётининг таъсири ўлароқ киноя, сатира ва сарказм қўлланилган. Афғонистоннинг тинч, осуда пайтларини кўмсаш – носталгия яққол сезилади ва жабрланган афғонларда умид учқунларини пайдо қилади.

Афғон диаспорасидаги ижодкорлар асарларида тўрт асосий мавзу етакчилик қилади:

- 1) Афғонистонни кўмсаш (носталгия);
- 2) Афғонистондаги уруш ва нотинчлик;
- 3) Афғонистондан ўз ихтиёри билан чиқиб кетиш ёки қувғин қилиниш;
- 4) Афғонистонга – ватанга қайтиш.

Ёзувчи «*Шамол ортидан югуриб*» романида «*айбдорлик, дўстлик, болалик, муҳаббат*» каби мангу мавзулар билан параллел «*Афғонистон ва у ердаги нотинчлик оқибатлари*»га мурожаат этади. *Дўстлик* мавзуси ёзувчи томонидан антитезалар асосида акс эттирилган. Бобо ва Амир олий насаб паштунлар, Ҳасан қуйи табақа ҳазорийларга мансуб бўлиб, улар ўртасида наинки дўстлик, ҳатто ижобий муносабатларнинг мавжуд бўлиши ўша тарихий даврнинг инқилоби эди. Амир ҳам кўпчилик орасида Ҳасанга бўлган муносабатларини кўрсатишни лозим топмайди, чунки жамият уни «олийнасаб» вакил сифатида «тарбиялаган». «...негадир Ҳасанни ўзимга дўст

---

<sup>16</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". Давлат илмий нашриёти. 2007. – Б.248.

<sup>17</sup> Sperkling M.B. Current Critical Perspectives in Literature, Film, and Cultural Studies. // Desterro.Vol. 70. №1/2017.

<sup>18</sup> [www.socialstudies.com](http://www.socialstudies.com)

деб билмасдим. Уни ўзимдан настроқ кўрардим. Бироқ, болалигимдан Ҳасандан бошқа яқинроқ кишим йўқ эди»<sup>19</sup>, дея иқдор бўлади Амир.

Ҳусайнийнинг феминистик руҳда ёзилган «Минг қуёш шуъласи» романида «аёллар, муҳаббат, никоҳ, қурбонлик, она юртга қайтиш» каби мангу мавзулар билан биргаликда «Шамол ортидан югуриб» романидагидек «Афғонистон ва у ерда ҳукм сураётган машъум уруш» каби тарихий мавзуларга ҳам урғу берилади. *Муҳаббат* гарчи асар бошида Тарик ва Лайлонинг болаликдаги яқинликлари натижасида уйғонган самимий ришталар кўринишида акс этса-да, воқеалар ривожидида бу юксак туйғу садоқат, бир-бирини тушуниш ва авайлаш каби инсоний муносабатлар билан коришиқ тасвирланади. *Қурбонлик* мавзуси асарнинг кульминацион нуктасида акс этирилади, Марям ўз ҳаётини кундоши Лайло ва унинг болалари учун қурбон қилади. Марям Рашидни ўлдираркан, айнан ўша жиноят Лайлоларнинг жаҳолатдан қутулишига ягона ечим сифатида қабул қилинади. Зўравонлик ҳукм сурган муҳитдан ё ўлиб, ё ўлдириб қутулиш фикри ёзувчи иқдорномасига айланади. Афғонистонда толибонлар даврида бир бўлак нон ўғирлаган одамнинг қўлини кесишарди, шундан хулоса қилган Марям эрини ўлдириб қочган икки аёлнинг бошига не кўйлар тушишини англаб, ҳамма айбни ўз бўйнига олишни, Лайлоларни қочириб юборишни афзал кўради. Марям ўз қарорини шундай эълон қилади: «Мен шу ерда қоламан. Мен учун энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Болалигимдан нима орзу қилган бўлсам, ҳаммасини сен менга беролдинг. Сен билан, сенинг болаларинг билан мен ўзимни бахтиёр хис этдим. Бор гап шу, Лайложон!»<sup>20</sup>. Марям сўнгги нафаси олдидан барини эслади: онаси билан яшаган кулбасини, отаси Жалилни, Лайлони, Азизани ... Бутун ҳаёти бир лаҳзада бирма-бир кўз ўнгидан ўтди, лекин ачинмади. «Ҳаммаси бундан-да баттарроқ бўлиши мумкин эди. Умр беҳуда ўтмади-ку!»<sup>21</sup>

Ҳусайнийнинг «Тозлар ҳам садо беради» романининг тўққиз бобида йигирмадан ортиқ оилалар тасвири келтирилган. Ҳар бири сюжет линияси жиҳатидан бир-биридан фарқланса-да, оила концепти доирасида бирлашади. Ёзувчи тизимли равишда, худди математик ҳисоб-китобларга асослангандек таассурот қолдирадиган даражада асар композициясини шакллантирган. Тасвирланган йигирма бир оиланинг ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди. *Унуттиш ва унутилиш* романнинг ҳар бир бобида кузатилиб, Ҳусайний биринчи, иккинчи ва учинчи боблардаги бош қаҳрамонларнинг унутилишини боб хотимаси сифатида беради. Биринчи бобда эртақдаги Аюб бобонинг девга берилган севимли кенжатой ўғли Қайсни оила аъзолари ҳам, қишлоқ аҳолиси ҳам унутади. Иккинчи бобда фарзандсиз, аммо бадавлат Ваҳдатилар хонадонига сотилган жажжи қизалоқ Пари ўз оиласини – отаси ва акасини унутади. Уни ҳам ҳеч ким сўроқламайди. Гўё улар ҳаётида Пари бўлмагандек. Учунчи бобда бўлса, ақлда ва ҳуснда тенгсиз Маъсума бахтсиз

<sup>19</sup> Ҳусайний Х. Минг қуёш шуъласи: роман. /Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 292.

<sup>20</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 235.

<sup>21</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 243.

тасодиф сабаб бир умрга ногирон бўлиб қолади. Хеч бир юмушга ярамайдиган Маъсума ўзини кераксиз ва ортикча ҳис қилиб, Парвонадан уни кимсасиз чўлга ташлаб келишини талаб қилади. Мазкур боб қишлоқ аҳолиси Маъсуманинг йўқлигига умуман аҳамият беришмагани билан ниҳояланади, Маъсума унутилади. Унутиш ва унутилиш роман психологизмининг чўққиси сифатида тасвирланган, эртақдаги Аюб бобога ўғлини эслаб қийналмаслиги учун дев томонидан сеҳрли суюқлик берилган бўлса, Абдуллага тақдирнинг ўзи чексиз изтироблардан кутулиши учун камдан-кам учрайдиган, хотирасини йўқотиш билан боғлиқ альцгеймер хасталигини тақдим этади. Абдулла синглисини эслаб қийналишдан кутулади.

А.Б. Темирболат<sup>22</sup> тақлиф қилган бадиийликнинг гуманизм (инсонпарварлик), эстетик туйғуни шакллантира олиш, ҳаётий ҳақиқатга содиқлик, чуқур мушоҳада, муаллиф ғоясининг мантикийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, умумлаштириш ва типиклаштириш қобиляти, бадиий деталларнинг аниқлиги ва қайсидир ғояга хизмат қилиши, сюжет қурилиши ва образлар тизимини яратишдаги маҳорат, қаҳрамонлар ички дунёсининг маҳорат билан очиб берилиши, асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги каби мезонлари Холид Хусайний бадиий маҳоратини аниқлашга ёрдам берди. Мазкур илмий-назарий фикрларга таянган ҳолда, ёзувчи шахсияти ва унинг ўзига хос услуби қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилинди.

А.Б. Темирболат таснифи асосида Холид Хусайний романларини таҳлил қилиш асосида ёзувчининг юксак бадиий маҳорати яна бир бор ўз исботини топди. Таҳлил жараёнида эришилган натижалар дастлабки икки мезон: гуманизм ва эстетик туйғуни шакллантира олиши Холид Хусайний ижодий имкониятларининг ўзига хослигини очишда етакчилик қилиши ҳамда айнан шу икки мезон қолган барча мезонларни ўз ичига олиши ва тўлдириши билан характерланади. Романлардаги инсонпарварлик ва инсоний туйғулар ифодаси китобхоннинг эстетик маданиятини сайқаллайди.

**«Холид Хусайний асарлари перспективаси»** номли учинчи бобда ёзувчи асарлари адабий перспективалар асосида таҳлил қилинади.

Афғонистонда толибонлар ҳукмронлиги, уруш даврида Афғонистон перспективаси ажал билан олишиб яшаётган афғонлар тимсолида тасвирланган. *Афғонистон* перспективаси мураккаб бўлиб, уруш ва тинчлик, гуноҳ ва кечириш, топиш ва йўқотиш, тушуниш ва тушунилиш каби бир қатор дуализмларга асосланган. Ёзувчи асарларида Афғонистоннинг урушдан олдин, уруш ва урушдан кейинги даврларига мансуб афғонларни фаровон ҳаётдан жоҳилликка юз тутишлари аянчли тасвирланган. Амир хотираларида Афғонистон урушдан олдин қуйидагича тасвирланади: *«Менинг 13-таваллуд куним ҳам ҳақиқий байрам тусини олди... дастурхонда минг хил нозу неъмат муҳайё этилди. Бозимиз тўрида санъаткорлар учун махсус саҳна қурилган эди. Афғон булбули Аҳмад Зоҳирнинг ўзи келиб,*

---

<sup>22</sup> Темирболат А.Б. Поэтика литературы. Учебное пособие. – Алматы, 2011. – 168 с.



аккардеон чалиб, қўшиқ айтди»<sup>23</sup>. Амир Сухробни излаб, Америкадан Афғонистонга келганда: «Мана, ниҳоят мен ўз Ватанимда, қашишоқлик, бахтсизлик ила тўлиб-тошган она юртимдаман. Паст-баланд тепалик орасида худди болаларнинг кубикчаларидек бетартиб сочилган кулбалар»<sup>24</sup>.

Толибонларнинг босқини сахналари тарихийлик нуқтаи назаридан реал маконда реал деталларнинг берилиши боис ўша манзара китобхон кўз ўнгида гавдаланади. 1992-1996 йиллар Афғонистон тарихида фуқаролик уруши йиллари бўлиб, 1996 йил 27 сентябрда бутун аҳоли толибонларнинг кириб келишини байрамдек тантанали нишонлаган эди. «1996 йил, сентябрь. Орадан икки ярим йил ўтди. 27 сентябрь куни Марям кўчадаги шовқин-сурондан уйғониб кетди. Кўчада оломон қайнаб тошар, мушаклар чақнар, баланд мусиқа садолари янграрди»<sup>25</sup>. Толибонлар ҳар бир эгалланган ҳудудда ўз қонунларини ўрнатар, уларга қарши чиққанларни аёвсиз жазолашарди. Улар ўз қонунларини машиналардан микрофон орқали эълон қилишар ҳамда варақаларда тарқатишарди. Толибонлар ҳукмронликларини Афғонистон Исломи амирлиги деб номлашди.

Холид Хусайний романлари таҳлили Афғонистон мотивини уч муҳим перспективага ажратиб ўрганиш заруриятини кўрсатди: аёллик («Минг қуёш шуъласи»), оила («Тоғлар ҳам садо беради») ва болалик перспективаси («Шамол ортидан югуриб»).

Холид Хусайнийнинг «Минг қуёш шуъласи» – икки аёл, яъни золим эр зулмидан азобланган икки кундошнинг нотинч юртда умидли кунларга илинжи туфайли қурган дўстона муносабатларини тараннум этувчи роман бўлиб, зиддиятли кундошлик алоқасини янгича йўсинда тасвирлай олган. Ёзувчининг маҳорати аёллар ҳамда қизларнинг жамиятдаги ўрни доимо эркакларникидан қуйи эканлигини ҳаётий ҳақиқат асосида тасвирлай олишидадир. Марям ва Лайлонинг ҳаёт чизиқлари болаликдан то уларнинг оилада рафиқа, она даражасигача бўлган даврларни қамраб олиши, романда «билдунгсроман» жанр хусусиятлари мавжудлиги билан характерланади. Муаллифнинг турли ёшдаги аёлларни асарга киритишдан мақсади барча ёш қатламларидаги аёлларнинг бирдек бахтсиз ва чорасизликларини кўрсатишдир, бироқ у перспектив ёндашувлар асосида Афғонистон келажагида аёлларга ижобий муносабат ўрнатилишига ишонади.

Лайло ва Марям тақдир чизгилари зиддият асосида тасвирланади: Лайло (*туғилиши* – оила аъзолари томонидан «тун гўзали» деб хурсандчилик билан қарши олинди; *дўстлик* – отаси ва ўртоғи Тарикнинг илиқ муносабатлари; *севги* – Тарик билан дўстлиги ўзаро чин муҳаббатга айланиши; *таълим* – ҳам мактабда, ҳам оилада ўқиб-ўрганиш; *никоҳ/оналик* – муҳаббати меваси – хомилани сақлаб қолиш учун, 14 ёшида 63-65 ёшлар атрофидаги Рашидга турмушга чиқиши; *никоҳ* – аёл ва она сифатида ҳақиқий бахт, Тарик билан қайта учрашиши, бир-бирларини тушуниб яшашлари, биргаликда ишлашлари) мақсад йўлида доим олға интилиш; Марямда (*туғилиши* –

<sup>23</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 328.

<sup>24</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 391.

<sup>25</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 169.

